

# ОМАД ҚАНДАЙ БУЮРТМА ҚИЛИНАДИ?



# Омадни қандай қилиб буюртма бериш мумкин?

## Мастер класс (маҳорат дарси)

Ушбу маҳорат дарсимизда қандай қилиб омадни буюртма беришни ўрганиб оласиз. 5 дақиқадан сўнг, Сизнинг ўзингиз ҳам омадни буюртма қилиш мумкинлигига амин бўласиз. Ва бунда ҳеч қандай мураккаблик ва ноодатийлик йўқлигига гувоҳ бўласиз.

Омадни буюртма қилиш техникаси қуйидагиларни ўзида мужассамлаштирган:

- мақсад қўйиш
- ва унга эришиш учун ботиний онгни дастурлаш.

Демак, бошладик. Ушбу техника қуйида келтирилган 4 та қадамдан иборатдир:

**1 – қадам. Бунда Сиз транс ҳолатига тушишингиз керак.**

Қўрқманг бу Сиз ўйлангачалик қийин иш эмас. Бундан осони йўқ. Шунчаки нимани истаётганингизни ўйлашингиз керак холос.

Бу атиги бир неча сония давомида бўлса ҳам етарлидир. Тамом вассалом, Сиз самарали транс ҳолатида бўб қоласиз! Яъни, бунда Сизнинг миянгиз альфа ҳолатида ишлай бошлайди.



**2 – қадам. Истагингиз образи (тасвири) ни ҳосил қилинг.**

Бу албатта визуал (кўринадиган) образ бўлиши шарт эмас. Агар Сиз табиатан визуал бўлсангиз, истагингиз образини визуал (кўз билан кўринадиган) ҳолда тасаввур

қилишингиз мумкин.

Агар Сиз табиатан аудиал бўлсангиз. Яъни, оламни кўпроқ товушлар орқали идрок этсангиз, у ҳолда истагингиз образини товушли ҳолда ифода қилишингиз ҳам мумкин.

Агар Сиз табиатан кинестетик бўлсангиз, яъни оламни ушлаб кўриш орқали, там билиш орқали, ҳид билиш орқали, кайфият орқали, терингиз орқали ёки маълум бир ҳаракатлар орқали идрок этсангиз, у ҳолда Сизнинг истагингиз образи ҳам шунга мос ҳолда шаклланади. Бунда образ кўринарли бўлмаслиги ҳам мумкин, аммо уни аниқ идрок қилиб турасиз. “Ҳа! Менга айнан мана шу керак эди!” дегандек.



Сиз биринчи қадамда фақат нима хохлаётганингизни


аниқлаб оласиз, иккинчи қадамда эса истагингизнинг образи керак бўлади. Уни ҳосил қилинг! Шундай бўлсингки, натижада Сиз уни аниқ таниб олинг.

### **3 – қадам. Ботиний онгингиз розилигини олиш.**

Бу жуда муҳим қадам. Бунда Сиз иккинчи қадамда изҳор қилганингизнинг амалга ошиши учун ботиний онгингиз розилигини оласиз.

Бу қуйидагича бажарилади:

Иккинчи қадамда ҳосил қилган, Сиз учун тушунарли бўлган истагингиз образини бир муддат онгингизда ушлаб турасиз. Яъни, бу образ билан гўёки алоқада бўласиз. Бунда айнан шуни хохлаётганингизни, шу ходиса рўй беришини, сизники бўлишини (агар бирор моддий нарса хохлаётган бўлсангиз) истаётганингизни англаб туришингиз керак. Бир оз муддатдан сўнг, масалан 30 секунддан сўнг бу образни, тасвирни қўйиб юборасиз. Унга диққатингизни жамлашни, эътибор қилишни бас қиласиз. Ва шундан сўнг бу образ билан нима содир бўлишини кузатасиз.



Масалан, агар Сиз ҳар доим тиқилинч бўлиб турадиган жойда машинангиз учун бўш жой “буюртма” қилаётган бўлсангиз, у ҳолда ботиний онгингиз Сизга саот 14:31 каби ўй-фикрни узатиши мумкин. Ёки бу вақтни кўрсатиб турган соатни хаёлингизга келтириши мумкин. Ва бу, ботиний онгингиз Сизнинг буюртмангизни амалга оширишга киришганини англатади. Лекин бу ерда бир шарти бор, яъни Сиз айнан шу вақтда, яъни саот 14:31 да йўлга чиқишингиз керак. Олдин ҳам, кеч ҳам эмас. Тушунарлими?!

Агар образ ҳеч қандай ўзгаришларсиз хаёлингизда пайдо бўлса, у ҳолда бу, буюртма ҳеч бир шартларсиз қабул қилинганлигини англатади. Қачонки ботиний онгингиз жавобларини кутиб турар экансиз, энди яқунловчи қадамга

ўтинг. Бу тўртинчи қадам.

#### **4 – қадам. Ўз иштирокингизни тўхтатиш.**

Бу қадамда Сиз ўз иштирокингизни тўхтатишингиз керак бўлади. Шунинг учун бу қадамда Сиздан талаб қилинадиган ҳамма иш – бу ўз буюртмангиз ҳақида буткул унутишдир.

Жуда содда бўлишига қарамасдан (эсдан чиқаришдан ҳам осони бормикан дейишингиз мумкин) – бу жуда муҳим қадамдир. Шунинг учун бусиз иложи йўқ. Гап шундаки, нима истаётганингиз ёдингизда турар экан, Сиз унинг рўёбга чиқишига халақит қилаётган бўласиз. Тушуняпсизми?!

Сизнинг онгингиз, истагингиз ҳақида эслаб турганда ботиний онгингизнинг ишига халақит қилувчи тўсиқлар ҳосил қила бошлайди ва унга ҳаммасини кўрсатилгандек қилиб амалга оширишига, энг зўр кўринишда рўёбга чиқаришига кучли қаршилик қила бошлайди.

Шунинг учун, ботиний онгингиз розилигини олган захотингиз, ўз буюртмангиз ҳақида буткул унутинг. Шунчаки,

худди масаласи ҳал бўлган ишдек, бажарилган ишдек, уни хаёлингиздан буткул чиқариб ташланг.

Буни худди амнезия касалига учрагандек самарали бажариш учун, яъни, хаёлдан чиқариб ташлаш учун, шунчаки бошқа ишларингизга киришинг, нимадир бошқа нарсалар ҳақида ўйланг. Ўзингизнинг, ҳар куни етарлича чиқиб турадиган, қайсидир ишингизни бажаришга киришинг.

**Ҳаммаси мана шулардан иборат, холос!**

Омадни буюртма қилиш техникасининг тўлиқ сценарийси шулардан иборат.



Ушбу техника нималардан ташкил топганини яна бир бор, тезда ёдга солиб ўтаман:

**1 – қадам. Ҳозир Сизга нима кераклиги ҳақида, нимани истаётганингизни ўйланг.**

*(шунчаки, бир неча секунд давомида, нима истаётганингиз ҳақида ўйланг)*

**2 – қадам. Истагингиз образини ҳосил қилинг – ўзингизга тушунарли бўлган кўринишда, шаклда, ҳисларда.**

*(визуал ёки Сизга тушунарли, таассурот уйғотувчи образ: истагимиз образи ҳосил қилинди, бор)*

**3 – қадам. Ботиний онгингизнинг розилик жавобини олинг.** У Сизнинг истагингиз образини қабул қилади ва унинг рўёбга чиқишини таъминлайди. Бунинг учун тахминан 30 секунд мобайнида, ундан кўпи керак эмас, истагингиз образи билан алоқага киринг. Кейин уни қўйиб юборинг ва ботиний онгингиз нима жавоб қайтаришини кузатинг.

*(истагингиз образини 30 секунд давомида ушлаб турасиз, сўнгра*

уни қўйиб юборасиз ва кузатасиз)

**4 – қадам. Буюртмангиз хақида унутинг.** Бунинг учун нима керак бўлса, шуни қилинг. Токи буюртмангиз амалга ошгунча у ҳақда буткул унутинг.

Шуни доимо ёдда сақланг:

**Сўралган барча нарса ҳар доим ва дарҳол берилади!**

Ҳозироқ ушбу техникани амалда қандай иш беришини синаб кўринг! Буни 2-3 та катта буюртмалар ва 1 та кичик буюртма мисолида амалга ошириб кўринг. Ишни кичик буюртмадан бошланг. Натижа олинг. Ана шунда анча каттароқ буюртмаларни беришда журъатлироқ бўласиз!

Ушбу ажойиб техника камина ходимингиз томонидан амалда синаб кўрилди, ажойиб натижалар олингандан сўнг Сиз азизларга тақдим қилинмоқда!

Омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

**Янги, фойдали ва ривожлантирувчи илмларни  
ўрганишда Аллоҳ ёр бўлсин!**

Ушбу техника Россиялик машҳур амалий психолог, психоллингвист, гипнолог, шахсий ривожланиш бўйича мутахассис, инсоннинг биоэнергетикаси ва дорисиз даволаш бўйича мутахассис, шарқ амалиётлари бўйича Мастер, интернет журналист Марта Николаева Гаринанинг шу номдаги мастер классининг таржимаси ҳисобланади.

Агар Сизда ўз **даромадингизни** тезда кафолатли тарзда **ошириш** истаги бор бўлса, ва бунинг нозик жиҳатларини ўрганишни истасангиз, у ҳолда Сизни бу ишни муваффақиятли тарзда амалга ошириб келаётган, **“ВОҚЕЪЛИКНИ БОШҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ”** (пуллар мисолида)” тренингига таклиф қилиб қоламиз.

Тренинг онлайн тарзда, телеграм орқали олиб борилади!

Марҳамат, мурожаат қилинг!

Тел.: +998 93 541 74 79

Телеграм: @Shuxrat\_Eshmurodov